

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят фаоллари йиғилиши

БИРИНЧИ ЧОРАК САРҲИСОБИ

Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2015 йилнинг биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари бажарилишини баҳолаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Йиғилишда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ ва котибиёт мудирлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, тадбиркорлар, шунингдек, республика ишчи гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Аҳмадjon Усманов олиб борди.

Таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январдаги мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган мамлакат иқтисодий дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан қўрилаётган чоратадбирлар натижасида биринчи чорада макро-иқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди.

Жумладан, ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 110,9, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 115,9, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 106,6, қурилиш ишлари 101,6 ҳамда аҳолига пулли хизмат кўрсатиш 114,1 фоиз бўлди.

Лекин, чуқур таҳлил ва танқидий руҳда ўтган йиғилишда юқоридаги

ижобий натижалар билан бирга жойлардаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани ҳам қайд этилди. Хусусан, 24 та йирик саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 47,3, режага нисбатан эса 48 миллиард сўмга камайган.

Шунингдек, йиғилишда тадбиркорларнинг мурожаатлари тингла-ниб, ҳар бир саволга аниқ таклиф ва тавсиялар берилди. Ақсарият мурожаатларга шу ернинг ўзида амалий ёрдам кўрсатилди.

Йиғилишда қўрилган барча масалалар юзасидан аниқ вазифалар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғулomjon Ибрагимов иштирок этди.

Тадбиркорлик



ХОМ АШЁ ЎЗЛАРИДАН

Давлатимиз раҳбарининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятини саноат салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва замонавий технологияларни жорий этиш, маҳсулот етиштириш ва хизмат кўрсатиш суръатлари янада ошмоқда.

Зангиота туманидаги "Омад мебель савдо" хусусий корхонаси сифатли офис, ётоқ ва ошхона мебеллари ишлаб чиқармоқда. Немис, Хитой ва Туркия техноло-гиялари асосида ойига 40 га яқин

мебель тўпламлари тайёрланади-ган корхонада 20 га яқин киши ишлайди.

Биз биринчи навбатда сифатга эътибор қаратамиз, дейди корхона раҳбари Фазлид-дин Жалолидинов.

Шу сабаб сифатли хом ашёлардан фойдаланамиз. Бу йил маҳсулотлар турини ошириб, 8 хилга етказдик.

Авваллари хом ашё чет элдан олиб келинарди, энди корхона-нинг ўзида ишлаб чиқарилаётган боис нархи арзон ва сифатли.

Мукаддас ИСРОИЛОВА.
Азамат АХМЕДОВ олган сурат.

Қишлоқ мулкдорлари

Мартнинг охири, апрелнинг бошидаги об-ҳаво инжиқлиги, бунинг устига бемаврид келган совуқ оқим боғбон, соҳибкор ва деҳқонларга кўп ташвиш келтирди.

КИМНИНГ ҒЎЗАСИ БАРАВЖ, КИМНИКИ ЎТ ИЧИДА

Бундай пайтда асил фермер "бўлари бўлди" деб қўл қовуштириб ўтирмайди, бироқ чорасини қилади. Ўзи билмаганини мутахассисдан сўрайди. Хуллас, зиммасидаги масъулиятли вазифасини бир амаллаб бажаришга ҳаракат қилади.

Пискент томонларга йўлимиз тушиб, ўнгу сўлдаги бугдойлар ва чигити қийғос униб чиққан пахта майдонларини кузатиб бораётиб, шу фикрлар хаёлимиздан ўти. Туман қишлоқ ва сув

ҳўжалиги бўлимида бугдой ҳам, ғўзаси ҳам барқ уриб ривожланаётган "Жаҳонгир" фермер ҳўжалиги дала-лари-га боришни тавсия этишди. У ерга "Лочин", "Изкувар", "Рискулова Бахтинисо", "Тошмуродов Пардабой", "Дилмурод" каби фермер ҳўжаликлари орқали ўтиб, борилар экан. Қарасак, кечагина чигит экилган майдонлар бугун кўм-кўк. На-хотки, ғўза майсалари шу-нача тез ер бетини қоплаган бўлса?! Йўқ, адашибмиз.

Кўзни яшнатаётган яшиллик ернинг "ўз боласи", яъни бегона ўт экан.

"Жаҳонгир" фермер ҳўжа-лиги даласи ҳам шундай ахволда бўлса-я, деган ташвишда тезликни оширдик. Хайрият, ишлар жойида экан. Юз фоиз униб чиққан ғўза майсалари бир сафта тизил-ган аскарларни эслатади. Майдоннинг у бошидан ки-риб, бу бошидан чиқсангиз ҳам лоақал томиғи учун бир донга ўт тополмайсиз.

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ҚАБРДАН НИДО ЧИҚИШНИ КУТМАНГ!»

Газетанинг шу йил 15 апрелда-ги 29-сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Бўстонлик туманининг айрим қабристонлариданги хуноқ манзаралар, яқинлари қабридан хабар ол-маётган фуқаролар, хилхоналари ахволи билан қизиқмаётган қишлоқ ва маҳалла аҳли ҳақида фикрлар билдирилган эди.

Тахририят ушбу мақола юзаси-дан Бўстонлик тумани ҳокими ўринбосари А. Канаков имзоси билан жавоб хати олди. Унда маъ-лум қилинишича, мақолада келти-рилган камчилик ва муаммолар бар-тарфат этилган.

Мавзуга қайтиб

«МАҲАЛЛА БОШИДА СУНЬИЙ ТЎСИҚ»

Газетамизнинг 2014 йил 16 апрелдаги 31-сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Чирчиқ шаҳар, 10-кичиқ даҳасидаги 23-кўп қаватли уй жойлашган кўчанинг кириш қисмини тақсирлар тўсиб қўяётгани билан боғлиқ муам-молар ҳақида сўз юритилганди. Кейин-роқ мазкур мақолага вилоят прокурату-расининг жавоби эълон қилинди. Аммо бу йил айнан шу муаммо юзасидан чир-чиқликлардан яна хат олдик. Қуйида фу-қароларнинг шу мурожаатига нисбатан вилоят прокуратурасидан келган жаво-би эълон қилмоқдамиз:

"Вилоят прокуратураси томонидан "Тош-кент ҳақиқати" газетасининг 2014 йил 25 май, 42-сонида эълон қилинган вилоят про-курори ўринбосарининг имзоси билан бе-рилган жавоб хати юзасидан Чирчиқ шаҳри-даги "Истиклол" маҳалласи фуқароларининг тахририятга ёзган мурожаати вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси,

(Давоми 2-бетда).

Мукофот муборак!

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида ўтказилган «Олтин қалам» миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Бу йилги «Олтин қалам» X миллий мукофоти учун халқаро танловда жами 676 нафар журналист 15 мингга яқин ижодий ишлари билан қатнашди. Қувончлиси, ғолиблар орасида ҳамкасбимиз Сайёра Рихсиева ҳам бор. Унга Ўзбе-кистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Ижтимоий шериклик мав-зуидаги энг яхши материали учун» но-минация ғолиби сифатида диплом ва қимматбаҳо совға топширилди.

Тахририятимиз аъзоси маънавият ва адабиёт бўлими муҳаррири С. Рихсие-вани «Олтин қалам» танловидаги муно-сиб иштироки билан табриқлаймиз.

СУРАТДА: Ўзбекистон касба уюшма-лари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Норбоева ғолибга мукофот топширмоқда.

Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

Эртага кеч бўлмасин...

ОЙДИНЛИКЛАР НИМАДАН ХУНОБ?

Олмалиқ шаҳрида 43 та маҳалла фуқаро-лар йиғини ҳамда 30 та арок ва бошқа спирт-ли ичимликлар билан савдо қиладиган дўкон бор экан. "Бўлса бордир, бу билан нима де-моқчисиз", дерсиз. Энди бу ёғини эшитинг...

Биргина бизнинг маҳалла ҳудудида бун-дай дўконларнинг 5 таси жойлашган, – дейди "Ойдин" маҳал-ла фуқаролари йиғини раиси Бахтиёр Бекму-родов. – 1480 хонадон аҳли истикомат қилу-чи 24 та кўп қаватли уйи бор ҳудуд учун бу озми-кўпми билма-дим-у, лекин аҳоли уларнинг доимий ми-жозларидан безор бўл-гани рост. Чунки, ички-ликбозликка ружу қўй-

ганлар кунда-шунда арок ёки вино харид қилишди-ю, кўп қават-ли уйларимиз йўлак-ларида уни "майдалаша-ди"...

Уйимизнинг пас-тидаги спиртли ичим-ликлар сотадиган дў-конлар соат 9 дан 18 гача ишлайди, – дей-ди Эҳтиром кўчаси, 11-уй, 9-хонадонда яшов-чи Тания Сенаторова. – Ёши 25 дан 60 гача бўлган пиёнистлар

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: "Ойдин"да учинчи шерикни қутаётганлар...

Жасорат, бурч, матонат

ХОТИРА МУҚАДДАС, ҚАДР БЕЗАВОЛ

Бағрикенглик – ўзбек халқининг миллий мин-талитетига хос азалий фазилат. Кўплаб оғир дамларда синовдан ўтган бу фазилат Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларида янада ёрқин намоён бўлди. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек: "...Уруш йилларининг оғир қийинчиликларига мардона бардош бериб, фронт ортида меҳнат қилган, уруш туфайли Ўзбекис-тонга кўчирилган қанча-қанча одамларга, ота-онасидан айрилган минглаб етимларга бошпана берган, ҳатто охириги нонини ҳам улар билан баҳам кўрган халқимизнинг фидойилиги, бағри-кенглиги ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак, арзийди. Чунки эл-юртимизнинг маънавий қуд-рати, унинг одамлилик фазилатлари, меҳр-оқибати, мардлиги ва олижаноблиги айни мана шундай унутилмас воқеаларда, тарихий мисол-ларда яққол намоён бўлади".

Уша даврда Ўзбекис-тонга бир миллиондан ортиқ киши эвакуация қилиниб, халқимиз улар-ни бағрига олди, меҳр-муруват кўрсатди. 1941-1942 йилларда юртимиз-га эвакуация қилинган турли миллат вакиллари-дан иборат 240 минг киши Тошкент шаҳрига жойлаштирилди ва иш билан таъминланди.

Эвакуация қилинган аҳолига кўрсатилган ғам-ҳўрликлар ҳақида ўша давр воқеаларини ўз кўзи билан кўрган, Тошкентда-ги 22-болалар уйига узоқ йиллар раҳбарлик қилган А. Хлебущкина шундай

деган эди: "Ўзбек халқи уларга ўз фарзандлари каби ғамҳўрлик кўрсатди. Уларга нима керак бўлса, ўшани тайёрлаб, етказиб берди. Ҳатто, охириги бў-лак нонларини ҳам баҳам кўрдилар". Дарҳақиқат, ўша суронли йилларда етим болаларни тарбия-га олиш ва ўз болалари қаторида боқиб бутун мамлакат миқёсида кенг тус олди. Оддий ўзбек темирчиси Шоахмод Шо-муҳамедов ва рафиқаси Баҳри Акрамова турли миллат вакиллари бўлган 14 болани ўз тарбияла-рига олишган.

(Давоми 2-бетда).

Тарихий хотирасиз келажак йўқ

ТАРИХ, ХУЛОСА, ШУКРОНА

«Қатагон қурбонлари

хотираси» музейидаги ўйлар

Аждодлар хотираси, ўтган кунлар сабоғи инсонни тўғри йўлга бошлайди. Бу-гунги тинчлик-осойишталик, эркин ва фаровон ҳаётга шукрона келтириш, унинг қадрига етиш хайру бара-кани янада зиёда қилади. Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Қатагон қурбонлари хотираси" му-зейида бўлган киши ана шу ҳақиқатларни англаб етати, қалбига жо қилади.

Музей атрофида ҳамisha маънос бир сукунат ҳукмор. Бу жойда ном-нишонсиз отиб ташланган ота-бобола-римизнинг безовта руҳлари бугунги авлодлардан рози бўлиб, ором топпандай гўё. Ҳиёбон узра парвоз қи-лаётган оппоқ қабутлар бу эзу ишларни, юртимизда-ги тинчлик-осойишталикни алқаётгандек туюлади.

"Қатагон қурбонлари хо-тираси" музейини кўриш, тўғриси, осон эмас. Чунки бу ерда инсоният тарихи-даги энг даҳшатли даврлар-дан бири – соёиб совет ту-зумининг мудҳиш "башара-си", қатлиомлари акс этган. Истибодот зулмидан умри ҳазон бўлган улғур арбоб-лар, маърифатпарварлар,

зиёлилар, оддий деҳқон-лар, ишчи ва ҳунармандлар, бир сўз билан айтганда, қатагон жаҳрини чеккан ва-тандошларимизнинг азоб-уқубатлари ўз ифодасини топпан.

Экспонатларнинг маз-мун-моҳияти ва воқеалар даврийлигига қараб музей 10 бўлим, 3 залга ажратил-ган. Биринчи залда Ўрта Осиёнинг чор Россияси то-монидан босиб олиниши ва халқимизнинг бунга қарши кураши, миллий уйғониш ҳаракатлари, "коллектив-лаштириш" ва "кулоқлаш-тириш" сиёсати, ўтган аср-нинг 30-йиллари бошидаги қатагонларга оид экспонат-лар жамланган. "Газ 11-73" русумли қора автомобиль – улардан бири. Ўша даврда ноҳақ тухматга учраган ки-шилар ушбу машинада олиб кетилган ва уларнинг ҳеч бири уйига қайтмаган. Шу боис у халқ орасида "қора кузгун" деб ном олган. Музейдаги "қора кузгун"-нинг ғилдираклари рамзий маънода қизилга бўялган. Бу мустабид сиёсат одам-ларни эзиб-янчиб, мамла-катни қонга ботирганини ифодалайди.

(Давоми 2-бетда).

Жасорат, бурч, матонат

ХОТИРА МУҚАДДАС, ҚАДР БЕЗАВОЛ

Уруш тугагандан кейин 1147 поляк болалари, 773 нафар тарбияланувчилар, 514 ходим ва уларнинг оила аъзолари махсус эшелонларда Польшага кузатиб кўйилди. Уларни кузатиш чоғида Польша бирлик ҳукумати вакили Ружа халқимизга миннатдорчилик билдириб, шундай деган эди: "Йиллар ўтар ... Бугун биз ўз юртимизга қайтиб кетаямиз, биз ўзимиз билан сизлар асраб қолган келажакимиз — фарзандларимизни олиб кетаямиз". Юртдошларимиз тўғрисида билдирилган бундай эзгу фикрлар халқимизнинг юксак инсонпарварлик фазилатлари билан далолатдир.

Маълумки, Шарқда азалдан маънавиятга таяниб, қомилликка интилиш, бағрикенглик олий қадрият даражасига қўйилган. Одамларнинг миллати, ирки, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар, ягона ўлчов — инсонни улуғлаш, инсон деган муқаддас номга муносиб бўлиш бош меъдон бўлиб келган. Халқимиз ўз тақдирини ўзинининг тақдири билан, қолаверса, маҳалла аҳли билан боғлиқ ҳолда кўрган.

Миллати ва элатидан қатъи назар маффақдорлик туйғуси, ўзаро ҳурмат, (Давоми. Боши 1-бетда).

юксак маданият ўзаро тугатилининг асосидир. Бугунги кунда юртимизда фаолият юритаётган миллий-маданий марказлар ва уларнинг фаолиятлари шундан далолат бериб турибди. Кўп миллатли республикамизда ўзаро тенг ҳуқуқликлари таъминлаш, турли миллатга мансуб аҳолининг ўзига хос миллий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга шариати яратилиш ва миллатлараро тугатилиш янада мустақамлаш ижтимоий таъриқийлигининг устувор йўналишларидан биридир. Давлатимиз раҳбарининг: "Тарихни моҳирлар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради" деган фикрлари халқлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатликнинг нақадар муҳим эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1999 йил 2 мартдаги Фармонида кўра, "9 май — Хотира ва қадрлаш кўни" умумхалқ байрами сифатида нишонлашнинг ҳамиятининг маънавий ҳаётида муҳим сиёсий воқеа бўлди. Бу кунда фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшган ҳамда Ватанимиз мустақиллиги учун ҳаётини тиккан ҳар бир юртдошимиз халқимиз томонидан ёдга

олинади. Шунингдек, ҳозирда сафларимизда бўлиб, ўларнинг ҳаёт тажрибалари билан ёш авлод тарбиясига салмоқли ҳисса қўшаётган нурунийларимиз эъзозланади. Бу халқимизга хос бўлган эзгу фазилатдир.

Тошкент шаҳридаги номаълум аскар, шунингдек, кўплаб шаҳар ва қишлоқларда бунёд этилган Хотира майдонлари, шаҳар ва қишлоқларда бўлиб, ўларнинг ҳаёт тажрибалари билан ёш авлод тарбиясига салмоқли ҳисса қўшаётган нурунийларимиз эъзозланади. Бу халқимизга хос бўлган эзгу фазилатдир.

Тошкент шаҳридаги номаълум аскар, шунингдек, кўплаб шаҳар ва қишлоқларда бунёд этилган Хотира майдонлари, шаҳар ва қишлоқларда бўлиб, ўларнинг ҳаёт тажрибалари билан ёш авлод тарбиясига салмоқли ҳисса қўшаётган нурунийларимиз эъзозланади. Бу халқимизга хос бўлган эзгу фазилатдир.

қувватлашни янада кучайтириш, тиббий санаторий-соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани, бундай чоратadbирлар нафақат 2015 йил, балки кейинги йилларда ҳам узулксиз давом эттирилиши назарда тутилганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, республика Президентининг 2015 йил 19 февралда "Ўзбекистон Республикаси фўқаролари - 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медаллари билан муқофотлаш тўғрисида"ги Фармонида кўра, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини хизматини муносиб тақдирлаш, уларни ҳар тарафлама кўлаб-қувватлаш ва эъзозлаш назарда тутилган.

Шуни унутмаслигимиз керакки, барча эзгу мақсадларимиз тинчлик тўғрисидаги рўйишга чиқади. Шу боис, тинчлик аталмиш бебаҳо неъмат учун барчамиз масъул эканлигини доимо ёдда тутиб яшашимиз лозим.

ҲАКИМ АЗИМОВ,
Тошкент Давлат юридик университети доценти,
тарих фанлари номзои.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ

Иккинчи залда 1937-1938 ҳамда 1940-1950 йиллардаги сиёсий қатағонлар миқёси, 80-йиллардаги "пахта иши" оқибатларини акс эттирувчи материаллар қўйилган.

Мунаввар қорининг кўзойнаги, Чўлпоннинг кўлёмалари, Мақсуд Шайхондиннинг кўзойнаги ва қатор тарихий ҳужжатлар халқни илм-маърифатга, тарққийетга ундаган мутафаккирлар таълиққа учрагани, фикр ва сўз эркинлиги чекланганидан далолат беради. Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Саид Аҳрорий, Боту, Ўбайдулла Ҳўжаев сингари болаликдан ўқиб-ўрганганимиз, элимиз ардоғидаги инсонларнинг суратларига қараш оғир. Уларнинг кўзларидан мунг, аламу изтироб юракни эзиб юборади. Бу нигоҳларда истибод доирининг ноҳақликлари, бошқаларга қарамликнинг тахрирлари намоён.

Учинчи залда мустақиллик йилларида тарихий адролатни қарор топтириш, халқимизнинг қадр-қимматини ҳойига қўйиш, миллий қадриятларимиз ва маънавий меросимизни тиклаш, ота-боболаримиз қадимжоларини обод этиш ва номиларини абадийлаштириш бора-сида амалга оширилган эзгу ишлар акс этган.

Бу залга келганда одам ёруғликка чиққандек бўлади, беҳитиёр енгил тортади. Халқимиз бу кунларга қандай машаққат ва йўқотишлар эвазига эришганини, мустақиллик ва эркинлик нақадар азиз неъмат эканини ҳис этади.

Музей ўзига хос маърифий-тарбиявий масканга айланган. Қишин-ёзин бу ердан зиёратчилар қадами узилмади. Хотира ва қадрлаш кўни арафасида музей ҳар қачонгидан гавжум бўлади.

— Бу ерга коллежимизнинг биринчи босқич ўқувчилари билан келдик, — дейди Чирчиқ саноат-иктисодиёт касб-хунаро коллежи ўқитувчилари, битирувчилари ва ота-оналари билан келганлар. Чирчиқ саноат-иктисодиёт касб-хунаро коллежи ўқитувчилари Ғулистон Избосарова. — Чунки улар ҳозир айнан ХХ аср тарихини ўрганишмоқда. Музейга саякат ешлар учун жудаям қизиқ ва фойдали бўлди. Ўқувчилар дарсда ўтган мавзуларимизга оид деталларни ўз кўзлари билан кўриб, ўша давр руҳини, шароитини ҳис қилиб ҳажжонга тушди. Эскуросводни саволларга тутиб,

(Давоми. Боши 1-бетда).

билмаганларини билиб олишди. Энди улар бу давр тарихини ҳеч қачон эсидан чиқармайди.

— Репрессияни жуда тор маънода, бир неча ёзувчи ва шоирларнинг қатағон қилиниши деб тушунган эканман, — дейди мазкур коллеж ўқувчиси Никита Шапкин. — Аслида бу ата-йин уюштирилган, бутун халққа қарши олиб борил-

пайтдаги аҳолининг қарийб учдан бир қисми) фарзандини жўнатиб, фронт ортда машаққатли меҳнат қилиб, ғалабага қатта ҳисса қўшган халқимиз уруш тугагач, ҳали унинг жароҳатлари битиб улгурмай яна қатағонларга дучор бўлди. 1937-1953 йилларда Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб таш-

дунё олдида обрўси тўқилганини эса одам эслагани ҳам келмайди — кўнгли гаш бўлади.

Музейнинг "пахта иши"га бағишланган бўлимида ўшбу машъум кўнларнинг сабаб ва оқибатлари, ундан азият чеккан одамларнинг аянчи тақдири, Ислам Каримов дастлаб Қашқадарё вилояти, кейинчалик мамлакат раҳбари бўлган даврда барча уйдирма ва терговларга барҳам берилгани, қамалганлар озод этилиб, халқимизнинг пок номи тиклангани тарихий далиллар асосида очиб берилган.

Яратганга шўқ, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Илмий-иждоий гоғлар, билим ва истеъдодли кишилар давлат томонидан қўлаб-қувватланмоқда. Одамлар яратиб, яшатиш ишқи билан яшамокда, ўз орзу-интилишларини амалга оширмоқда.

Бу неъматларнинг барқарор ва бардавом бўлиши учун доимо оғоҳ ва ҳўшёр бўлиш, турли фйриб ва таҳдидларни олдиндан сезиш зарур.

Бугунги кунда дунёда, жумладан, яқин атрофимизда турли қарама-қаршилиқ ва адоватлар кўчаийиб бораётганини кўрмоқдамиз. Хар хил "изм"лар яна бош кўтармоқчи бўлаётир. Эски тузумни қайтариш, ўз тасир доирасини кенгайтиришга уринишлар кўзга ташланмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, тарихни билмаган, тарихни унутган, тарихдан ҳулоса чиқармаган ҳар қандай инсон, ҳар қандай халқ ўз йўлидан адашиши, бир вақтлар йўл қўйган ҳатоларини яна такрорлаши мумкин.

Халқимиз тарихни яхши билади. Мустабид тузумда бошидан кечирган, юрагидан ўтказган азоб-ўқубатларни, таълиққа қамситишларни ҳеч қачон унутмайди. Ота-боболари бир умр орзу қилган, бугунги авлодларга насиб этган мустақилликни кўз қорачиғидай асрайди. Ўз эркини, ўз юртини ҳеч кимга бермайди. Мамлакат тараққиёти, фарзандлари келажagini ўз кучи, ўз ақлу заковати билан бунёд этмоқда. Танлаган йўлидан сира қайтмайди, ўз олдида қўйган мақсадларига албатта етади. Бу эзгу, олижаноб мақсадга эришишнинг ҳуқуқий, назарий ва амалий асослари Президентимиз томонидан аниқ белгилаб берилган.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Қишлоқ мулкдорлари

КИМНИНГ ЁЎЗАСИ БАРАВЖ, КИМНИКИ ЎТ ИЧИДА

"Эгасига тасанно!" деб завкланиб турганди, фермер Аликул Исоқовнинг ўзи келиб қолди. Ҳўжалиги кўп тармоқли бўлганидек, ўзи ҳам битталай мутахассисликларни эгаллаган экан — молиячи, иктисодчи, бухгалтер, тафтишчи. Ранг-боши, гап-сўзига қараб, бунга шўба қилишдики. Сўхбатимиз ўз-ўзидан қовушиб кетди:

— Келатурсиб, кўп фермерларнинг даласидан ўтди. Бугуннинг авжига гап йўқ, гўё у кунги совуқлар таъсир қилмагандек.

— Ўша совуқ кунларда туман ҳокимлиги ҳамда қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими мутахассислари фермерлар учун ўқув-семинарлар ташкил этишди, бевосита бугдойзорлар тепасига боришиб, айни ҳолатда қандай агротехник тадбирларни қўллаш ҳусусида маслаҳат, тавсия ва кўрсатмалар беришди. Шунга мувофиқ бугунча ғалла икки марта озиклантирилди. Биринчисида, гектарига 10 килограммдан қарбоним ва бегона ўтга қарши "тайфун" гербициди аралаштирилиб, иккинчисида, гектарига беш тонна маҳаллий ўғит ва зараркунда ҳашаротларга қарши "докла-прад" дориси аралашмасидан суспензия тайёрланиб сепилди. Мана, натижасини кўриб турибсиз.

Ха, кўриниб турибди. Ҳўжаликнинг 25,4 гектар майдондаги "Таня" нав бугдойнинг авжи баланд. Қалин тулпаран бугдой найчалай бошлаган.

— Шу ўринда ўз тажрибамдан келиб чиқиб бир гапни айтмоқчиман, — деди фермер. — Биз, деҳқонлар биринчи галда ўз тажрибамизга таяниб иш қўришимиз, ҳар қандай об-ҳаво шароитига доимо тайёр туришимиз керак. Зеро, синоптиклар қишлоқ ҳўжалиги ходимлари учун бераётган муддатли маълумот ҳар доим ҳам тўғри чиқармайди. Бу йил шу аҳвол кўпроқ кузатилди.

Биз 32,4 гектар майдонга чигит экиш билан бир вақтда 100 килограммдан суперфосфат ва беш килограммдан калий ўғити бердик. Икки ярим кунда экиб бўлиб, 20 апрелгача тўлиқ ундириб олиб, кейин бегона ўтдан ҳам тозаладик. Эртага (26 апрель) яна қилишни бошлаймиз деб турибмиз. Кўриб турибсиз, кўчат текис,

(Давоми. Боши 1-бетда).



бир донна ҳам бегона ўт йўқ. — Лекин, ҳали айтганимиздек, "Рискулова Бахтинисо", "Тошмурад Пардабой" фермер ҳўжаликлари далалари бегона ўтлардан тозаланмаган. Ернинг "ўз боласи" — ўғай" ғўзга аталган ўғитларни "ўғай" қилиб, барк уриб ўсайпти...

— Бунинг сабабини билмадим-у, аммо тажрибали фермерлар кузги пахта хирмони тақдирини, ерни екишга тайёрлаш, чигитни тезу соз экиб, тўла ундириб олиш, яғналаса, бегона ўтдан тозалаш жараёнларидаёқ хал қилиб қўйишади. Аммо, баъзи фермерларнинг пахта майдонлари ҳали бегона ўтлардан тозаланмагани рост.

Фермер ҳақ, қолган ишга қор ёғади. Мана, 26 апрель кун иахшигина ёққан ёмғирдан сўнг айрим сусткаш фермерларнинг далаларидаги бегона ўтлар обдон маза қилиб, қўшга буй чўзапти. Бу фермерлар нима куттишапти? Ким уларнинг даласига келиб, ғўзасини ўтдан тозалаб беради? Ҳосил тақдирини ҳал қиладиган шундай муҳим иш туриб, ҳўжалик аъзолари нима билан банд?

Бу севолларимизга Аликул Исоқовнинг қуйидаги сўзларидан бевосита бўлмаса-да, билвосита жавоб топиб, ҳулоса чиқардик.

— Жамоамиз 22 аъзодан иборат бўлиб, ҳар бирининг ўз ўрни бор. Шуларнинг фаоллиги ва тажрибасига таяниб, ҳўжалигимизни кўп тармоқли қилишга интилапмиз. Техникамиз бисёр. Атрофдаги фермер ҳўжаликларига техника хизмати кўрсатишни йўлга қўйганимиз. Яна кичик тикув цехини очиб, маҳаллий ёшлардан тўрт нафарини муҳим иш билан таъминладик. Тошкент ирригация ва мелiorация институтини битирган ўғлим Жаҳонгир аллақачон ёнимга кирган, тўғриронг энг ақил ёрдамчим. Биргалашиб бошқа соҳаларга ҳам қўл уриш ҳақида ўйлапмиз.

АБДУСАМД ЙЎЛДОШЕВ,
ДАВРОН АХМЕДОВ (сурат),
"Тошкент ҳақиқати",
муҳбирлари.

СУРАТДА: фермер Аликул Исоқов сувчилар Шерали Қўрқобов (чапда) ва Насиҳон Бердиқулов билан навбатдаги тадбирлар ҳусусида маслаҳатлашмоқда.

ДИПЛОМ БИЛАН БИЗНЕСГА

Ўрта Чирчиқ туманидаги агросаноат ва транспорт касб-хунаро коллежида битирувчилар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида "Диплом билан бизнесга" мавзусида тадбир ўтказилди.

Туман ҳокимлиги, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда касб-хунаро коллежи ўқитувчилари, битирувчилари ва ота-оналари, тижорат банклари ҳамда тегишли идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Тижорат банклари мутахассислари бизнесрежа тузишдан иш юритишгача бўлган жараёнлар юзасидан тушунтириш беришди. Солиқ инспекцияси ходимлари бошловчи тадбиркорларни яратилган имтиёз ва соҳадаги янгиликлар билан таништиришди.

Тадбир сўнггида фермерлик, асарчилик, машинасозлик, тикувчилик соҳаларида тадбиркор бўлиш истиадидаги 10 битирувчи тижорат банкларида имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар берилди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

Эҳтиром

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ КЎНГИЛГА ҚУВВАТ

Ҳар кунимиз Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан уюштирилаётган тадбирлар билан янада файзли, сермазмун ўтмоқда. Вилот шаҳар ва туманлари кексалари кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром ва эъзоз учун тилларида дуою фотиҳа, дилларида эзгу тилаклар.

Охангарон туманида мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси фўқаролари - 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги эсдалик юбилей медаллари билан муқофотлаш тўғрисида"ги ҳамда "1941-1945 йиллардаги уруш катнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонлари ижроси доирасида тадбирлар уюштирилмоқда. Бугунги кунда Охангаронда 16 уруш ва 22 меҳнат фронти фахрийлари истикомат қилади. Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан уюштирилган тантанали тадбир-



да уларга юбилей медаллари, пул муқофотлари ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди. Эътиборлиси, ҳар бир уруш фахрийсига бириктирилган фўқат ЎзЛиДеП депутатлари фақат байрам кўнлари эмас, балки йил давомида улардан ҳабар олиб, ёрдам бериб туришади.

— Ҳадемай, бир аср юзини кўраман, — дейди уруш фахрийси Исмоил ота Ҳўраев. — 70 йилдирки, машъум уруш дах-

шатлари қалбимни ўртаб келади. Лекин, дориларман кўнлар шарафати, яқинларим меҳр-қўшати, инсонларвар давлатимиз, Президентимиз эътибори дардларимга малҳам, тинч-фаровон ҳаётимизга ҳамдам бўлмоқда. Илоҳим, юртимиз тинч, халқимиз омон, Юртдошимизнинг эзгу сўй-ҳаракатлари бардавом бўлсин.

Сайёра ЭШМАТОВА.
ДАВРОН АХМАД олган сурат.

Эртага кеч бўлмасин...

ОЙДИНЛИКЛАР НИМАДАН ЖУНОБ?

худди ишга келгандек, эрталаб соат 9 га етиб келишадим-ю, 3 ёки 5 та бўлиб, йўлакларимизда улфатчиликни бошлашадим. Ачинарлиси, айримларнинг ёнида ёш болалари ҳам бор. Уларнинг муҳим яшаш ҳойлари бор-йўқлиги номаълум, ғирт бетайин одамлар. Бу кимсаларнинг "дастурхонсиз зиёфати"дан кейин йўлакдан анча пайт аримайдиған бадбўй хид, энг ёмон ёш қўларимизнинг ўқиш ва ишга тинч бориб келиши ҳақидаги хавотиримиз ҳеч бар-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳам топадиғанга ўхшамаётти. Турли идораларга қилаётган мурожаатимиз натижа бермаётти.

— Баъзан икки йил аввал шу йўга кўчиб келганимдан афсусланаман, — дейди 1-йил, 1-хонада истикомат қилувчи Руслам Жўраев. — Инсонийлик қиёфасини йўқотган бу майпа-растларнинг уйи, бола-чакаси бормикин? Уларга танбёҳ бериб, тўғри йўлга соладиган бирорта ташкилот қолгани? Йигирмага яқин ароқжўр ҳозир уч гуруҳга бўлиниб, асосан, 11,

11а, 11б, 11в, 13-кўп қаватли уйларнинг йўлакларини макон қилиб олишган. Баъзан уриб-қўшиб қолишади. Оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан фақат бир-бирларинингизга эмас, ўтган-кетганларни ҳам "сийлашқунди". Нафақат кечқурун, ҳатто кундузи ҳам улар ёнидан ўтишга қўрқасан киши. Улардан кейин бадбўй иссу, бўшаган ишчаларнинг синиқлари қолади.

— Уларнинг "базми"дан кейин, бир-биримизга "сиз тозаланг, сизнинг наватингиз" деб, биз, қўшиллар ҳам жан-

Мавзуга қайтиб

«МАҲАЛЛА БОШИДА СУНЪИЙ ТЎСИҚ»

Чирчиқ шаҳри ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, солиқ, кадастр хизмати ва архитектори жалб қилинган ҳолда, жойига чиқиб ўрганилди.

Газетада жавоб хати чоп этилган пайтдан кейин ўтган вақт ичида шаҳарнинг 10-кичи даҳасидаги 23-кўп қаватли уй жойлашган кўчага ўрна-тилган автомашиналарнинг тўхтаб туришини тақиқловчи йўл ҳаракати белгиси номалум шахслар томонидан олиб ташланганлиги, шу сабабли шахсий автомашиналар йўл четида тўхтаб туришлари аниқланди.

Вилот ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўтказилган рейдда 67 та қондабузарликлар аниқланиб, маъмурий баённомалар тузилди. Юқоридаги тақиқловчи белги тикланди. Давлат солиқ инспекцияси томонидан эса 6 та ҳолатда лицензиясиз автоуловда йўловчи ташини, 1 ҳолатда рўйхатдан ўтмаган ҳолда сартарошлик билан шу-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ғулланаётган шахслар фаолиятига чек қўйилди.

Ўрганиш давомида 10-кичи даҳадаги деҳқон бозори худудидан ташқарида ноқонуний савдо қилиш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, уйлар атрофида ноқонуний қурилмалар мавжудлиги аниқланиб, маҳаллий ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўзаро ҳамкорлигидаги чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилди.

Маъмур ҳудудга бириктирилган участка солиқ инспектори М. Рустамбеков 2015 йил 3 апрелида эғаллаб турган лавозимидан озод этилиб, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Аризачиларнинг автомашина ҳайдовчилари орасида бахтсиз ходисалар, ҳаттоки бир-бирини пичоқлаб қўйишгаётганлиги тўғрисидаги вазалар ўз тасдиқини топмади.

Б. НУРМУҲАМЕДОВ,
вилот прокурори
ўринбосари,
3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.

Ўш аҳолига оддий шароит яратиш бориш қўларидан келмайди? Бугун маҳалла миқёсидаги кичик муаммо бўлиб қўри-наётган бу нарсалар, эртага бирор қор-ҳол юз бериб, қатта муаммога айланиши мумкинлигини тушунишмаётганими?.. Хуллас, "Ойдин" да савол бергучини кўп, чунки саволлар ўзи кўп экан. Уларга жавобларни Олмалик ҳокимлиги, шаҳар ички ишлар бўлими ва ҳудуддаги савдо мутаассидиларида кутамиз.

ДАВРОН АХМАД.

Доимий комиссияларда

ЯНГИ ҚОНУНЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисига қизғин тайёргарлик жараёнида парламент юқори палатаси йиғилиши кун тартибига киритилиши мўлжалланган масалалар кўмиталарда соҳа мутахассислари, эксперт, олим ҳамда амалиётчилар иштирокида ўрганиб чиқилмоқда.

Қонунчилик палатасидан келиб тушган қонунлар Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссияларида кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниб, уларнинг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти кўриб чиқилмоқда. Хусусан, Халқ депутатлари вилоят Кен-



гаши доимий комиссиялари аъзолари иштирокидаги йиғилишда Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилиши кўтилётган янги тахрирдаги "Та-шувчининг фуқаролик жавоб-гарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида"ги Қонунлар муҳо-

камаси ташкил этилди. "Та-шувчининг фуқаролик жавоб-гарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонун транспорт воситаларининг барча турларида ташишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғ-лиги ва мол-мулкига етказил-ган зарарнинг ўрни қоплани-шини кафолатлаши билан

муҳим аҳамият касб этади. "Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида"ги Қонунда кўзда тутилган барча янгиликлар, шубҳасиз, қимматли қўғоз-лар бозоридаги инвестиция ва рақобат муҳитини яхши-лаш, инвестиция ва инновация лойиҳаларини молия-лаштириш учун корхоналар-

нинг акция ҳамда корпора-тив облигациялардан унум-ли фойдаланишига хизмат қилади. Қонуннинг асосий гоёси молия бозорида ва умуман иқтисодиётда қим-матли қўғозларнинг роли ва аҳамиятини оширишдан, шу-нингдек, унинг рақобатбар-дошлигини таъминлашдан иборат.

Муҳокама иштирокчилари-нинг фикрича, қонуннинг маъ-қулланиши вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривож-ланишига, инвестициявий имкониятларни оширишга хизмат қилади. Натижада, янги иш ўринлари яратила-ди, аҳолининг турмуш дара-жаси ошади.

Саида ИКРОМОВА,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Партиялар ҳаёти

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенга-шининг нав-батдаги IV пленуми бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутат-лари, сенатор-лар, Халқ депу-татлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари де-путатлари ҳам-да партия фаоллари иштирокидаги йиғи-лишда Ислам Каримов-нинг Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти лавозимига киришиши



тантанали маросимга бағишланган Олий Маж-лис палаталарининг қўшма мажлисидаги ну-тқида билдирилган фикр ва мулоҳазалар

хусусида сўз юритилиб, демократик ислохотлар-нинг ҳозирги босқичида партиянинг асосий усту-вор вазифалари белги-лаб олинди.

ДАСТУР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси де-путатлари, Халқ депутат-лари вилоят, шаҳар ва

туман Кенгаши депутат-лари, партия фаоллари ҳамда партия ҳудудий кенгаши раҳбарлари

иштирок этишди. Йиғилишда 2015-2019 йилларда амалга оши-риш учун тайёрланган дастур атрофича муҳо-кама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.

Билимдонлик

Бекобод туманидаги Далварзин маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ўқувчиларнинг билимлари синовдан ўтказилди. Унда ўқув юртининг "Тадбиркорлар" ва "Иқтисодчилар" жамоалари куч синаш-дилар.

«МИЛЛИОНЕР БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?»

Ҳар икки жамоа аъзолари беллашув шартларига мувофиқ иқтисодий сиёсат моҳияти, ишлаб чиқариш ва тижорат, солиқ ва бож тўловлари хусу-сидаги саволларга аниқ жа-воблар беришди. Шунингдек, тадбирда соҳага оид ҳикмат-ли сўз, мақол ва иборалардан фойдаланиб, иқтисодий атама

ва тушунчалар изоҳига алоҳи-да эътибор қаратилди. Маҳсу-лотлар конъюнктурасига оид рекламалар намойиш этилди. Билимлар беллашувида ғолиб чиққан "Тадбиркорлар" жамоаси фахрий ёрлик ва эс-далик совгалари билан тақ-дирланди.

Каримкул БОБОҚУЛ ўғли.

Ўқув-машғулот



СЕЛ ВА ТОШҚИНДАН ОҒОҲЛАНТИРИЛДИ

Ангрен ва Олмалик шаҳарлари ҳамда Ўстонлик ва Оҳанга-рон туманларида сел ва сув тошқинлари билан боғлиқ фав-қулудда вазиятларнинг олдини олиш ва улар оқибатини бар-тарфга эйтишга бағишланган ўқув-машғулотлари ўтказилди.

Тегишли вазирлик, идора, ҳудудлардаги сув йўлларини ташкилот ва корхоналар вакил-таҳамлаш, аҳолини геологик ва шунингдек, иш билан банд бўлмаган аҳолини жалб этиб,

Семинар

Пискент туманидаги 4-умумтаълим мактабида ўқитув-чилар касб маҳоратини оширишда маҳорат мактаб-ларининг ўрни мавзусида республика ўқув-семинари бўлиб ўтди.

МАҲОРАТ МАКТАБИ – СИФАТЛИ ТАЪЛИМ КАФОЛАТИ



Маҳорат мактаблари фаолияти-ни янада яхшилаш, илғор педаго-гик усуллари кенг тарғиб қилиш ҳамда тажриба алмашиш мақсади-да ташкил этилган мулоқотда рес-публика Халқ таълими вазирлиги, Таълим маркази, Тошкент Давлат педагогика университети, халқ таълими ходимларини қайта тай-ёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, вилоят халқ таълими бошқармаси вакил-лари, мураббий ва оммавий ахбо-рот воситалари ходимлари ишти-рок этди.

Республика таълим маркази би-лан вилоят халқ таълими бошқар-маси ҳамкорлигида ташкиллашти-рилган тадбирда "Маҳорат макта-би – таълим самарадорлигининг асосий омил", "Илғор педагогик тажрибаларни аниқлаш, ўрганиш ва оммалаштиришнинг замонавий шакл ва технологиялари", "Таби-

ий фанларни ўқитишдаги иннова-циялар" каби мавзуларда маъру-залар тингланди.

Таъкидланганидек, вилоятимиз-да маҳорат мактаблари фаолияти жадал ривожланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Вило-ят даражасидаги 22 та ана шундай мактабда 22 мураббий барча қўйи маҳорат мактабларини, шаҳар ва туманлардаги 81 та маҳорат мак-табларининг 342 мураббийи эса таълим муассасаларидаги барча ўқитувчиларни қамраб олган.

Семинар давомида маҳорат мак-таблари фаолияти кўргазмаси ҳамда барча фанлардан намунали дарслар ташкил этилиб, мутахас-сислар тақлиф ва тавсиялар бе-ришди.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,
Қобилжон ҒОҒУРОВ (суратлар),
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбирлари.

Эълонлар

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент Минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига, "Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидам-ли металлор комбинати" АЖнинг 2015 йил 17 апрелдаги бюртма-номасига асосан "Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидам-ли металлор комбинати" АЖга те-гишли қўйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳ-ри, В.Хайдаров кўчаси, 1-уйда жой-лашган "Болалар шифохонаси" би-носи. Бошланғич баҳоси – 62 784 000 сўм. 2. Тошкент вилояти, Чир-чиқ шаҳри, В.Хайдаров кўчаси, 1-уйда жойлашган "Мойни қайта

ишлаш" шохобчаси. Бошланғич баҳоси – 128 680 000 сўм. 3. Тош-кент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ме-таллурглар кўчасида жойлашган "Ёзги кинотеатр" биноси. Бошлан-ғич баҳоси – 58 978 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 2 июнь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кун-лари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2015 йил 1 июнь кунни соат 16:00.

Юқоридеги кўчмас мулк 2015 йил 2 июнь кунни сотилмаган тақдирда,

такрорий савдолар 2015 йил 9, 16, 23 июнь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 9 июндаги такро-рий савдо учун 8 июнь кунни соат 16:00; 2015 йил 16 июндаги такро-рий савдо учун 15 июнь кунни соат 16:00; 2015 йил 23 июндаги савдо учун 22 июнь кунни соат 16:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш кунни ичи-да сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга оши-риш мuddати олди-сотди шартно-

маси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар мулк бошланғич ба-ҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон филиалидаги 20208000404920609021, МФО 01036, СТИР 207122519 х.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамши кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишини ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2015 йил 3 июнь соат 10.00 да очик тендер ўтказилади.

1. ВХ-424 й.т. "Сирғали маҳалласи-Фишкўприк-Юнусобод 9-даха" (такрорий)
2. ВХ-342 й.т. "Санам қишлоғи-Ангрен дехон бозори" (такрорий)
3. ШИ-14 й.т. "Оппартак маҳалласи-Ангрен дехон бозори" (Ангрен ш.) (такрорий)
4. ВХ-390 "Невин қишлоғи – Қўйлик АШБ" (такрорий)
5. ВХ-390П "Невин қишлоғи – Қўйлик АШБ" (Қўйлик томон-дан) (такрорий)
6. ШИ-12 "УАКТЖМ-3 кичик ноҳия (шаҳар парки)" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
7. ШИ-21 "УАКТЖМ – 3-кичик ноҳия" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
8. ШИ-10 й.т. "112-даха – Аммофос ОАЖ" (Олмалик ш.) (такрорий)
9. ВХ-397 й.т. "Кизилтоғ қўрғони-Қўйлик АШБ (Олга орка-ли)" (такрорий)
10. ШИ-1 й.т. "4-кичик ноҳия-Марказий бозор-Марказий шифохона-Оқ қайин-4-кичик ноҳия" (Охангарон ш.) (такрорий)
11. ШИ-21 й.т. "4-кичик ноҳия-Айлин фаб.-Марказий бозор-4-кичик ноҳия" (Охангарон ш.) (такрорий)
12. ШИ-3 й.т. "4-кичик ноҳия-Марказий бозор-Қўрғон мах.-

- 4-кичик ноҳия" (Охангарон ш.) (такрорий)
13. ШИ-21 й.т. "Тиббиёт коллежи-Ойдин-Марказий бозор-Қалмоққир станцияси" (Олмалик ш.) (такрорий)
14. ВХ-430 "Ким Пен Ха фу-Қўйлик АШБ" (такрорий)
15. ВХ-224 й.т. "Тулбаҳор қўрғони-Эркин-Жанубий вокзал АШБ" (такрорий)
16. ВХ-589 й.т. "Нодиробод маҳалласи-Юнусобод АШБ" (такрорий)
17. ВХ-554 й.т. "Ҳазалкент АШБ-Чорвоқ қўрғони" (такрорий)
18. ВХ-344 й.т. "Қайтмас қишлоғи-Тўйтепа АШБ" (такрорий)
19. ВХ-415 "Кизилтоғ қ.-Қўйлик АШБ (Олга оркали)" (такрорий)
20. ВХ-257 й.т. "Янгийўл темир йўл вокзал-Олмазор қўрғо-ни" (такрорий)
21. Битта пакет билан: ВХ-351 й.т. "Ангрен дехон бозори-С.Рахимов фу." ВХ-319 "Ангрен АШБ-С.Рахимов фу." ВХ-409 й.т. "Ангрен АШБ-Тўқай ёқа қишлоғи" (такрорий)
22. Битта пакет билан: ШИ-14 "Аммофос ОАЖ-Тўқай-Жалоир маҳалласи" ШИ-15 "5/2-кичик ноҳия-А.Қодирий маҳалласи" (Олмалик ш.)
23. Битта пакет билан:

- ВХ-222 "Ёшлар маҳалласи бекати-Озодбаш қишлоғи" ВХ-518 "Озодбаш қишлоғи-ЭХП" (Озодбаш томондан) ВХ-521 П "Қўйрақ АШБ-Чирчиқ АББ (Байтўрғон оркали)"
24. Битта пакет билан: ВХ-378 "Янгибозор АШБ-Қўйлик АШБ" ВХ-379 "Паркент АШБ-Самсарак қишлоғи" ВХ-382 "Янгибозор АШБ-Бўстон қишлоғи" ВХ-383 "Паркент АШБ-Машинасозлар АШБ" ВХ-514 П "Янгибозор АШБ-Чирчиқ АББ"
25. ВХ-440 й.т. "Тўйтепа АББ-Алимент қўрғони" ВХ-440 й.т. "Ҳазалкент-Бористон қишлоғи" ВХ-540 "Ҳазалкент-Бурмулла қишлоғи" ВХ-543 "Чирчиқ АББ – Хондайлик қишлоғи" ВХ-552 "Ҳазалкент АШБ-Қизил сув қишлоғи" ВХ-557 й.т. "Қизилсув маҳалласи-Ҳазалкент АШБ" ВХ-371 "Жумабозор-М.Юсуф кўчаси бекати" ВХ-625 й.т. "Нонданак-Жумабозор-Қўйлик АШБ"
33. Битта пакет билан: ВХ-368 й.т. "Янгибозор АШБ-Буюк Ипак йўли м.б." ВХ-367 й.т. "Янгибозор АШБ-Қўйлик АШБ" ВХ-375 й.т. "Янгибозор АШБ-Паркент АШБ" ВХ-380 й.т. "Паркент АШБ-Дала ҳовли-Буюк Ипак йўли м.б."

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августда-ги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳоки-мининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очик тен-дерда белгиланган тартибда Ўзбекис-тон Республикаси ҳудудиде рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органла-рида ҳисобда турадиган автомобил-транспортда тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, хал-қаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия-га ҳамда тендер тақлифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия қарточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб қўриқдан ўтказиш

бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бош-қармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий ҳулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбу-рий шарт ҳисобланади. Тендер кат-нашчиси айнан битта автотранспорт воситаларини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Туғатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашиши-га йўл қўйилмайди. Тендер қатнашчи-ларидан Тошкент шаҳрига кириб ке-лувчи йўналишлар бўйича йўналиш-ларга тақлиф этиладиган транспорт воситалари автобус ва микроавтобус турида бўлиши талаб этилади.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекис-тон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-сининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-

сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишини ташкил этиш вилоят комис-сияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳ-ри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўча-си, 4/68-уй. Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналиш-ларда йўловчилар ташишини ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳуж-жатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳара-катини лицензиялаш ва мувофиқлаш-тириш Департаменти ҳисоб рақамига

АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Қирав бўлими, х/р 20210000104661167001 (банк коди 00884, ИНН 300625470, ХХУТ 51600)га га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдориде пул ўтказиб, 2015 йил 29 май соат 17.00 гача бюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлар-аро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишини ташкил этиш вилоят комиссияси тендер тақлифла-рини 2015 йил 2 июнь соат 17.00 гача қабул қилади. Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Авиасозлар кўчаси, 4/68-уй, Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турла-ри ҳаракатини лицензиялаш ва муво-фиқлаштириш Департаменти биноси. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

Тузатиш

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан "Биржа" газете-сининг 2015 йил 28 апрель 49-сониде ва "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2015 йил 29 апрелдаги 33-сониде чоп этилган бил-диришномадаги очик аукцион савдосига чиқарилган Чиноз тумани, Олмазор ҚФЙ ҳудудиде жойлашган "47-сонли умумтаълим макта-бининг бино-иншоотлари"нинг ўрнига Чиноз тумани, Туркистон ҚФЙ ҳудудиде жойлашган "47-сонли умумтаълим мактабининг бино-иншоотлари" деб ўқилсин, Чиноз тумани, Ислохот ҚФЙ ҳудудиде жойлашган "27-сонли умумтаълим мактабининг бино-иншоотлари"-нинг ўрнига Чиноз тумани, Ислохот ҚФЙ ҳудудиде жойлашган "27-сонли болалар боғчаси бино-иншоотлари" деб ўқилсин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамши кўчаси, 1-А уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидеги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

